

## Динда ҳаддан ошиш ва гулув кетиш ҳақида

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Барча мақтовлар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиффорлар айтиб, ундан нафсимизнинг шумлиги ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани тўғри йўлга солувчи зот йўқдир. Мен «Ягона, шериксиз Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва расулидир» деб гувоҳлик бераман.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ ؕ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُمْ مُسْلِمُونَ ﴿١٠٢﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ ؕ وَالْأَرْحَامَ ۚ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан кўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٧٠﴾ يُصْلِحْ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ ۗ

وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٧١﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Сўнг...

Дарҳақиқат, сўзларнинг рости – Аллоҳнинг Каломи, йўлларнинг яхшиси – Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмони – (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат – залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтувчидир.

Дарҳақиқат Ислом – ҳаддан ошишлиқдан холи бўлган мўътадил диндир. Мана шу Аллоҳ ва Расули солаллоҳу алайҳи ва саллам эргашишликка васият қилган тўғри йўлдир. Аллоҳ таоло айтади:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا ﴿١٤٣﴾

«Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик» (Бақара: 143).

Бироқ шайтон мусулмонларга қарши фитна қилишдан ғофил қолмайди ва бундан толиқмайди. Шайтонда фитнага соладиган ва залолатга бошлайдиган икки йўли бор. Биринчиси маъсиятларга мойил бўлган одамни, динга нисбатан ноқис ва совуққон муносабатда бўлишга чорласа, иккинчиси шайтон ибодат ва Аллоҳга итоатда тиришқоқ бўлганларни динда ғулув кетишликка чорлайди. Бундай одамга у динда ғулув кетишликни чиройлик қилиб кўрсатади, бу билан уни тўғри йўлдан адаштириб, ҳалок қилишни истайди. Аллома Ибнул Қоййим раҳимахуллоҳ шайтон макрларининг турларини зикр қила туриб шундай деди: «Баъзи салафлар айтишдики: «Аллоҳдан ҳар қандай амр келган бўлмасин, албатта шайтон бунда икки дастак таъсирга эга: ёки сусайиш ва ноқислик, ёки ҳаддан ошишлик ва ғулув. У бу ҳолатнинг бири орқали устун келишда давом этаверади». Атиги озчиликдан ташқари кўпчилик одамлар ушбу икки ҳолатдан биридалар: ёки ноқисликда, ёки ғулувда. Фақат озчиликкина Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва саҳобалари юрган тўғри йўлда мустаҳкам туришади» (Қаранг: «Ифосатуд лаҳфан» 1/116).

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ дедилар: «Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида ўзини Исломга нисбат берувчилар, аммо ибодатда гайратли бўлишига қарамай ундан учиб чиқиб кетганлар бўлган. Шундай экан ўзини Ислом ва Суннатга нисбат берувчи, бугунги кунда турли сабабларга кўра Ислом динидан турли сабаблар билан чиқиб кетиши мумкинлигини билиб олсин. Бу сабаблардан бири ғулув бўлиб, Аллоҳ Ўзининг китобида уни қоралаган» (Қаранг: «Мажмуъуд фа-тава» 3/383).

Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا ﴿١٣﴾ الَّذِينَ ضَلَّ سَعْيُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ

مُحْسِنُونَ صُنْعًا ﴿١٤﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «Сизларга қилган иш-амалларидан энг кўп зиён кўргувчи кимсаларнинг хабарини берайликми?! Улар қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кетган-у, аммо (нодонликлари сабабли) ўзларини чиройли — яхши амал қилаётган кишилар, деб ҳисоблайдиган кимсалардир!»» (Каҳф: 103-104).

Ибн Касир раҳимахуллоҳ деди: «Ушбу оят умумий бўлиб, тўғри қилаётгани ва амаллари қабул бўлаётганини гумон қилиб Аллоҳга жорий қилинмаган услубда ибодат қилаётган барчага тегишлидир. Аслида эса у адашяпти ва амаллари рад қилинади» (Қаранг: «Тафсир Ибн Касир» 3/174).

Диндаги ғулув – бидъат, куфр ва ширк, асосиз такфир, ноҳақ қон тўкишнинг сабабидир. Бу ишнинг оқибати ҳалок қилувчи ва улкан гуноҳлар бўлгани, унинг қанчалик ёмон эканига далолат қилади.

## Динда ғулув кетиш қатъий ҳаром ва ҳалок қилувчи йўл экани ҳақида Қуръон ва Суннатдан далиллар

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг шариатида диндаги ғулув ва ҳаддан ошишлик ҳаром экани борасида қатъий кўрсатмалар мавжуд. Аллоҳ таоло яҳудий ва насороларга хитоб қилиб айтади:

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ غَيْرَ الْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعُوا أَهْوَاءَ قَوْمٍ قَدْ ضَلُّوا مِنْ قَبْلُ  
وَأَضَلُّوا كَثِيرًا وَضَلُّوا عَنْ سَوَاءِ السَّبِيلِ ﴿٧٧﴾

«Айтинг: «Эй аҳли китоб, динингизда ғулув кетманг ва (Ислом келишидан) илгари йўлдан озган ва кўпларни йўлдан оздирган ҳамда тўғри йўлдан чиқиб кетган қавмининг нафси ҳаволарига эргашманг!» (Моида: 77).

Шайхулислов Ибн Таймия раҳимахуллоҳ деди: «Ушбу умматдан кимки насоро ва яҳудийларга тақлид қилса ва ҳаддан ошиш, ёки совуққонлик йўли билан динда гулувга тушиб қолса, у ўшалардан-дир. Бу диндан учиб чиқиб кетган хаворижларнинг ҳолатидек. Хаворижлар Али ибн Абу Толиб (рози-яллоҳу анҳу) даврида пайдо бўлишган. Мусулмонлар улар билан мусулмонларга қарши чиққанлари учун Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амрларига биноан жанг қилишган. У кишидан улар ҳақида ўн тарафдан саҳиҳ ҳадислар ривоят қилинган. Яна бу динда гулув кетган рофизий, қадарий, жаҳмий, мўътазила ва ашарийларга ҳам тааллуқлидир» (Қаранг: «Мажмуъул фатава» 3/340-350).

Яна Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло насороларга хитоб қилиб айтади:

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ وَلَا تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ إِلَّا الْحَقَّ إِنَّمَا الْمَسِيحُ عِيسَى ابْنُ  
مَرْيَمَ رَسُولُ اللَّهِ وَكَلِمَتُهُ أَلْقَاهَا إِلَىٰ مَرْيَمَ وَرُوحٌ مِنْهُ فَآمِنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ ۗ وَلَا تَقُولُوا ثَلَاثَةٌ  
أَنْتَهُوا خَيْرًا لَكُمْ إِنَّمَا اللَّهُ إِلَهُ وَاحِدٌ سُبْحَانَهُ أَنْ يَكُونَ لَهُ وَلَدٌ ﴿٧٨﴾

«Эй аҳли Китоб, (Ийсони худо дейиш билан) динингизда ҳаддингиздан ошмангиз! Аллоҳ шаънига эса фақат ҳақ гапни айтингиз! Албатта, ал-Масиҳ Ийсо бинни Марям фақат Аллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга етказган сўзи ҳамда унинг томонидан бўлган руҳдир холос. Бас, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз! «(Тангри) учта (яъни, Аллоҳ, Марям ва Ийсо учалалари ҳам тангрилардир)», демангиз! (Бундай ботил эътиқоддан) тўхтангиз, шунда ўзингиз учун яхши бўлур. Ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳ якка-ягона ҳақ илоҳдир. У фарзандлик бўлишдан пок бўлган зотдир» (Нисо: 171).

Шайхулислов Ибн Таймия раҳимахуллоҳ дедилар: «Насронийлар эътиқод ва амал масалалари-да бошқа одамларга нисбатан кўпроқ гулув кетишади. Шу сабабдан ҳам Аллоҳ Қуръонда уларга гулув кетишни таъқиқлади» (Қаранг: «Иқтидо ас-сиротал мустақим» 1/328).

Шундай қилиб кўриб турганимиздек Аллоҳ таоло яҳудий ва насороларни ғулув кетишдан огоҳ қилган экан. Аммо улар Унга қулоқ солишмади, ҳадларидан ошишди ва ҳақ йўлдан оғиб кетишди.

Шунингдек Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини ҳам ғулув кетишдан огоҳ қилди ва шундай деди:

وَلَا تَطْغَوْا إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١١٢﴾

«Тўғёнга тушмангиз! Албатта, У зот қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир» (Худ: 112).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Динда гулув кетишдан сақланинглар! Сизлардан илгаригилар динда гулув кетиш са-

«баблигина ҳалок бўлишган» (Насоий 4/49, Ибн Можа 3029, Ибн Жаруд 473. Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Ибн Таймия, Нававий, Заҳабий, Аҳмад Шокир, Албоний ҳадисни саҳиҳ деди).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ дедилар: «*«Динда гулув кетишдан сақланинглари» сўзлари умумий бўлиб, барча гулувни ўз ичига олади, хоҳ у эътиқодда бўлсин, хоҳ амалда (бўлсин, фарқи йўқ)*» (Қаранг: «ал-Иқтидо» 1/328).

Ибнул Асир раҳимаҳуллоҳ дедилар: «*«Динда гулув кетишдан сақланинглари» сўзларининг маъноси: динда ҳаддан ошиш ва чегарасидан чиқишликдир. Бу худди бошқа бир ҳадисда айтилганидек: «Дарҳақиқат ушбу дин мустаҳкамдир. Унда чуқур кетишда юмишқ бўлинглари» (Аҳмад 3/199). Яна ҳадис: «Дарҳақиқат Қуръонга чуқур кетмайдиган ёки ундан узоқлашиб кетмайдиган ҳофизи Қуръонни икром қилиш, Аллоҳ таолони улуглашининг аломатидандир» (Абу Довуд 4843). Дарҳақиқат Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунинг айтганларининг боиси, у зотга буюрилган одоб ва хулқларидан бири амалларда мўътадил бўлишлик кераклигидир. Амалларнинг энг яхшиси – ўрталикдир» (Қаранг: «ан-Ниҳоя» 3/382).*

Шайх Али ибн Адам ал-Атубий раҳимаҳуллоҳ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Сизлардан илгаригилари динда гулув кетиш сабаблигина ҳалок бўлишган» сўзлари борасида шундай дедилар: «Яъни дин масалаларидаги гулув – аввалги умматларни ҳалок қилган нарсасидир. Шу сабабдан ушбу умматга у (аввалги уммат)ларга тақлид қилишлик жоиз эмас (бўлиб), бунинг оқибатида у (аввалги уммат)ларга етган нарса уларга етмасин» (Қаранг: «Шарҳ Сунан ан-Насоий» 26/31).*

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ғулув кетганлари ҳалок бўлишди!*» дея уч бора такрорладилар (Муслим 2670).

Имом Хаттобий ушбу ҳадисни шарҳида шундай дедилар: «*«Ғулув кетганлари» - масалага чуқур кетиб, мулоҳазага файласуфлар услубига тушадиганлардир. Улар уларга тегишли бўлмаган ва уларнинг ақллари тушуниб ета олмайдиган нарсаларда чуқур кетишади» (Қаранг: «Маъалим ас-Суна» 4/277).*

Ҳофиз Нававий раҳимаҳуллоҳ дедилар: «*Яъни, гулув кетганлари ва сўзу амалларида чегарадан чиққанлари» (Қаранг: «Шарҳ Саҳиҳ Муслим» 16/220).*

Яна Нававий раҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «*(Бу ерда) гап, ўрни бўлмаган жойда қаттиқлик қиладиганлари ҳақида кетмоқда» (Қаранг: «Риёзус солиҳийн» 106).*

Имом Мунаввий раҳимаҳуллоҳ дедилар: «*Айтилдики, бу шарият чегарасидан чиқиб ва шайтон васвасасида бўлиб ибодатларида ҳаддан ошганлардир» (Қаранг: «Файдул Қодир» 6/355).*

Шайх Сиддиқ Ҳасанхон раҳимаҳуллоҳ дедилар: «*Ушбу ҳадис гулуви бўлган ҳар қандай нарсага тегишли, хоҳ у ибодатда бўлсин, ёки муомалотда бўлсин, ёки урфда бўлсин (фарқсиз). Бунинг барчаси зоҳирий ва ботиний ишларда, эътиқод ёки амалларда бўлишида фарқ йўқ. Агар бирор нарсага нисбатан муносабатдаги ҳақиқат Қуръон ва Суннатда жорий бўлган бўлса, яна нимадир унга хилоф бўлса, унда бу ҳам мана шу ҳадисга дахлдор бўлади ва бунинг қилаётган ҳалокатга йўлиқади. Чегарадан чиқиш, гулув ва ҳаддан ошиш «ҳалокат» деб номланиши, унинг қатъий таъқиқланган ҳаром эканига далолат қилади. Барча нарсада ҳаддан ошиш ва гулув кетиш, шундай қилгани ҳалокатга етаклайди» (Қаранг: «Сирож ал-ваҳҳаж» 10/198).*

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Бу дин енгилдир ва ким бу динга қаттиқлик қилса (дин) унга золиб келади» (Бухорий 39).*

Имом Ибн Мунайир раҳимаҳуллоҳ дедилар: «*Ушбу ҳадисда нубувват башоратларидан бири мавжуд. Дарҳақиқат, биз кўрдик ва биздан аввалги одамлар кўришдики, ҳар қайси динда гулув кетган сўнар эди. Аммо ҳадиснинг маъноси ибодатни такомиллаштириш мумкин эмас дегани эмас. Чунки аксинча, бу мақтовга лойиқ ишлардан. Бироқ ҳадис маъноси шундаки, чарчоқ ва ялқовликка олиб борадиган гулув кетишлик ҳаром экандир. Масалан, нафл амалларни ошириб юборишлик ундан афза-*

лини қўлдан бой беришга олиб келиши мумкин. Бунга мисол, туни билан нафл намоз ўқиган одамнинг фарз намози вақтини ўтказиб юбориши» (Қаранг: «Фатҳул Борий» 1/117).

Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ўзингизни қаттиқ (тоат-ибодат билан) қийнаманглар! Дарҳақиқат, сизлардан илгари ўтганлар ўзларини қаттиқ қийнаш сабабли ҳалок бўлиб кетишди, уларнинг қолган-қутганларини церковларда ва монастырларда топасизлар»** (Бухорий «Ат-тарихул-кабир»да келтирган, «ас-Силсила ас-саҳиҳа» № 3124).

Бошқа ривоятда айтиладики: **«Ўзингизни қаттиқ (тоат-ибодат билан) қийнаманглар! Чунки Аллоҳ ҳам сизлар билан қаттиқ бўлади»**.

Имом Саффароний раҳимахуллоҳ ушбу ҳадис борасида шундай дедилар: **«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дин масалаларида қаттиқликни таъқиқладилар ва хабар бердиларки, қачонки Аллоҳнинг бандаси ўзига нисбатан ундан талаб қилинганидан қаттиқ бўлса, бу Аллоҳ қаттиқлик қилишни бошлашига сабаб бўлади, ёки тақдир йўли билан, ёки шаръий йўл билан. Бандага нисбатан шариат жиҳатдан қаттиқлик, оғир бўлиши мумкин бўлган, аммо инсон ўз зиммасига олган назрларни бажаришликнинг вожиблигида намоён бўлади. Тақдир жиҳатидан қаттиқликка келсак, бу амаллари шубҳа ва васвасага йўлиққан одамларга тегишлидир. Дарҳақиқат, бу одамлар ўзларига нисбатан қаттиқлик қилдилар. Шу сабабдан ўша васвасалар унга тақдир орқали қайтиб келди, унга голиб келди ва ундан ажралмас сифатга айланди»** (Қаранг: «Шарҳ Суласият» 1/380).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллааллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Дарҳақиқат, бу дин мустаҳкамдир! Шундай экан унга мулоимлик билан чуқурлашинглар»** (Аҳмад 3/199. Шайх Албоний ҳадисни ҳасан деди. Қаранг: «Саҳиҳ ал-Жомийъ» № 2246).

Ҳадиснинг бошқа бир ривоятида шундай дейилган: **«Дарҳақиқат, бу дин мустаҳкамдир! Шундай экан унга мулоимлик билан чуқурлашинглар. Агар ким ўз юки оғирлигини тўғри чамаламаса, йўлни ҳам босиб ўтолмайди, маркабини ҳам ҳалок қилади»** (Байҳақий «аш-Шуъаб»да 4743).

Абу Умома розияллоҳу анҳу ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Икки кишига менинг шафоатим етмайди: Ўта золим ва халқни талон-тарож қилувчи ҳокимга ва динда гулув кетиб, ундан чиқиб кетган кишига»** (Табароний «ал-Кабир»да 8079 ва «ал-Авсат»да 640. Ҳофиз Мунзирий ва Хайсамий ҳадиснинг барча ровийларини ишончга лойиқ дейишди. Шайх Албоний ҳадисни ҳасан деди. Қаранг: «ас-Силсила ас-саҳиҳа» № 470).

Келтирилган барча Қуръон ва Суннат ҳужжатлари ҳар қандай кўринишдаги динда ҳаддан ошишлик қатъий ҳаром эканига далолат қилади. Шунингдек ушбу ҳужжатлар динда гулув кетишликдан огоҳ қилади. Чунки бу тўғри йўлдан оғишлик ва залолатга юз тутишлик демақдир.

### Дарҳақиқат, бу дин енгилдир!

Бизга маълумки, Аллоҳ таоло шариатининг мақсади, мусулмон икки дунё саодатига мушарраф бўлишидир. Шу сабабдан шариат Аллоҳнинг бандаларига диндаги вазифаларини енгиллатади, унга қийинчилик туғдирадиган барча нарсани даф қилади. Аллоҳ таоло айтади:

يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمْ الْعُسْرَ

«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара: 185).

Яна Аллоҳ таоло айтади:

مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ

«Аллоҳ сизларга машаққат қилмоқни истамайди» (Моида: 6).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Динингизнинг энг афзали – энгилидир!*» (Аҳмад 1/336. Ҳофиз Ибн Ҳажар ҳадис иснодини саҳиҳ деди. Қаранг: «Фатҳул Борий» 1/116).

Ибн Аббос розияллоҳу анху ривоят қилади: «*Бир кун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашди: «Аллоҳга энг суюкли дин қайси?» У зот жавоб бердилар: «Енгил ҳанифия динидир»*» (Аҳмад 1/236. Ҳофиз Ибн Ҳажар, шайх Аҳмад Шокир, шайх Албоний ҳадисни саҳиҳ деди).

«Енгил» яъни ғулувдан ҳолидир. Имом Ибнул Қоййим раҳимахуллоҳ дедилар: «*Ҳанифия энгилик билан бирга зикр қилинди. Чунки Ҳанифия дини - тавҳид ва амаллардаги энгиликдир. Бу икки нарсага икки нарса зиддир. Бу эса - ширк ва ҳалолни ҳаром қилиб олишга зиддир»* (Қаранг: «Ифосатул лаҳфан» 1/135).

Имом Закариё Ансорий раҳимахуллоҳ ушбу ҳадис борасида шундай дедилар: «*Енгил диннинг маъноси: бошқа динлардан фарқли ўлароқ танглик ва қийинчилиги йўқ диндир»* (Қаранг: «Тухфатул Борий» 1/199).

Имом Бухорий раҳимахуллоҳ ушбу ҳадисни ўзининг «Саҳиҳ»ида «Енгил дин» деган бобда келтирган.

Ҳофиз Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ «Енгил дин» боби ҳақида шундай дедилар: «*У аввалги динларга нисбатан энгил дин деб номланди. Чунки Аллоҳ бу умматдан бошқа умматларга юкланган юкни бекор қилди. Бунга энг ёрқин мисол тавбанинг кўринишидир. У аввалги умматларда ўзини ўлдириш кўринишида эди. Холбуки бу уммат тавбаси гуноҳни қилишни тўхтатиш, бундай ишни ҳеч қачон қилмасликни қатъий ният қилиш ва надоматдир»* (Қаранг: «Фатҳул Борий» 1/115).

Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтаётган нарса Қуръонда зикр қилинган:

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ ۖ يَا قَوْمِ لِمَ تَقُولُونَ لِغُلَامِكُمُ الَّذِي كَفَرَ بِاللَّهِ لَإِذَا هُوَ آتَاكُمْ بِآيَاتٍ مِنْ رَبِّهِ قَالُوا عَجِبُوا بِآيَاتِنَا وَلَمْ يُؤْمِرُوا بِأَلْفِ الْمَلَائِكَةِ وَأَنْ نَزَّلْنَاهُ بِقَوْلِهِ ۚ إِنَّا كَرِهْنَا لَقَوْلَهُ إِشْرًا ۚ إِنَّا جَاءْنَاهُ بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنزَلْنَا إِلَيْهِ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ بِرِسَالٍ إِتَتْهَا مُوسَىٰ وَالْكَهَنُوتُ وَالْحَبَشِيُّونَ فَحَمِرْتُ بِهِ عَلَىٰ الْعَالَمِينَ ۗ وَإِنَّ رَبَّكَ لَذُو فَضْلٍ عَلَىٰ الْعَالَمِينَ ۗ وَإِنَّ رَبَّكَ لَعَلِيمٌ ۙ

فَاقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ عِنْدَ بَارِيكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ ۚ إِنَّهُ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ

«Мусонинг ўз қавмига айтган гапларини эсланг: «Қавмим, сизлар бузоққа ибодат қилиш билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириш билан сизни бор қилгувчи зотга тавба қиласиз. Бор қилгувчи зот наздида мана шу (қатл) сизлар учун хайрлироқдир». Бас, Аллоҳ таоло тавбангизни қабул қилди, албатта У кечирибли, меҳрибондир» (Бақара: 54).

Абу Мусо ва Анасдан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бирини бирор буйруқ билан юбораётганларида, унга шундай дердилар: «*Енгиллаштиринглар, озирлаштирманглар, хушхабар беринглар, нафратлантирманглар»* (Бухорий 69, Муслим 1734).

Яна Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига дедилар: «*Сизлар фақат энгилаштириш учун юборилдинглар, озирлаштириш учун юборилмадинглар»* (Термизий 147. Саҳиҳ ҳадис).

Ҳофиз Ибн Ражаб раҳматуллоҳи алайҳ дедилар: «*Енгиллаштириш – бу ибодатдаги мўътадиллик ва ўрталиқдир. Инсон унга юкланган мажбуриятларида камчиликка қўл урмасин, шунингдек кучи етмайдиган нарсани ўзига юклмасин»* (Қаранг: «ал-Маҳажжа» 51).

Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Албатта Аллоҳ Ўзига осийлик қилинишини ёмон кўргани каби, Ўзи берган ружсат-*

ларнинг қилинишини яхши кўради» (Аҳмад 2/108, Ибн Ҳиббон 2742. Саҳиҳ ҳадис. Қаранг: «Саҳиҳ ат-тарғиб» № 1059).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатлари динда енгилликлар қилиб берганига мисоллар жуда кўп, улардан: куфр сўзларини мажбурланган ҳолатда айтишликка рухсат берилгани. Аллоҳ таоло айтади:

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ

صَدْرًا فَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ مِنَ اللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٦﴾

«Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлур). Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг иймонига зиён етмас). Аммо кимнинг кўнгли куфр билан (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиш билан) ёзиладиган бўлса, бас, ундай кимсаларга Аллоҳ томонидан ғазаб ва улуг азоб бордир» (Наҳл: 106).

Имом Бағавий раҳимаҳуллоҳ дедилар: «Кимни куфр сўзини айтишга зўрлашса, тили билан уни айтишлиги жоиз эканига уламолар ижмоъ қилишди. Агар у бунга эътиқод қилмаган ҳолда тили билан айтса, унда бу куфр ҳисобланмайди. Аммо агар у рози бўлмаса ва шу сабабли ҳалок бўлса, мана шуниси афзал» (Қаранг: «Тафсир ал-Бағавий» 5/329).

Яна Аллоҳ таоло тарафидан бандаларига инъом этилган енгилликларга ўлимтикни очликда ейишликни киритиш мумкин. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالْدَّمَ وَلَحْمَ الْخِنزِيرِ وَمَا أُهْلَ بِهِ لِغَيْرِ اللَّهِ فَمَنْ أَضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا

عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٧٢﴾

«У сизларга фақатгина ўлакса, қонни, тўнғиз гўштини ва Аллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Энди кимки золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса гуноҳкор бўлмайди. Албатта Аллоҳ мағфират қилгувчи, раҳмлидир» (Бақара: 173).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Кунларнинг бирида бир оилада хачир ўлиб қолди. Уларда эса егулик ҳеч нарсалари йўқ эди. Шунда улар Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдларига келиб бунинг хабарини беришди. У зот уларга ўша хачирни ейишга рухсат бердилар» (Баззор «Кашф ал-астар»да 3/328. Ҳасан ҳадис. Қаранг: «ал-Жомий ас-Саҳиҳ» 4/181).

Яна енгилликларга намоз учун таҳорат қилишликка сув бўлмаса ёки касал бўлиб қолиш хавфи бўлса, ёки касалликни оғирлаштириб юбориш хавфи бўлса ёки сувга тегса ҳалок бўлиш хавфи бўладиган бўлса, тоза тупроқда таяммум қилишликка рухсат берилганини; мусофир учун намозларини қаср қилиб ўқишликка рухсат берилгани; сафарда ёки мажбурликда икки намозни жамлашликни; оёқни қайта ювмай махси ёки пайпоққа масҳ тортишни ва бошқа бундан кўп енгилликларни санаб ўтиш мумкин.

Зикр қилиб ўтилган барча нарсалар Ислом дини енгил дин эканига далолат қилади. Аммо шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, Ислом бугунги кундаги турли даъватчиларнинг кўп сонли осонлаштиришликларига муҳтож эмас. Улар дин енгилликдир деган даъво билан унинг буйруқлари ва очик таъқиқга хилоф чиққан ҳолда кўпгина дин ҳукмларини бекор қилиб юборишяпти. Бугунги кунда бунга жуда кўп мисолларни келтиришлик мумкин. Масалан, муסיқага рухсат беришлик, бегона эркак ва аёлларни аралашиб юришлари, бегона эркак билан

аёлнинг қўл бериб саломлашиши, Исломда соқол қўйишлик вожиб эмас, асосийси қалбда бўлса бўлди деган даъволар, Исломда дўст ва душманлик тушунчаси йўқ эканини даъво қилишлик ва ҳоказолар.

Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳ нафсига эргашган ҳолда Аллоҳнинг динида сустлик қилганларни рад қилиб шундай дедилар: «Кимки бунда Аллоҳнинг:

يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ

«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара: 185), суюнаётган бўлса, у ҳолда биз шундоқ ҳам Аллоҳнинг барча буйруқлари енгил эканини биламиз ва бу ҳақида Аллоҳнинг ўзи айтган: «Бу динда сизларга бирон хараж-танглик қилмади»» (Қаранг: «ал-Иҳкам» 869).

Шайх Абдуррахмон Саъдий раҳимаҳуллоҳ дедилар: «Аллоҳ бандаларига қилган барча амрларидаги асос, уларнинг енгил эканлигидир. Аммо агар бирор қийинчилик содир бўлса, унда у ёки умуман бекор қилинишлиги, ёки ўшани осонлаштирилган ҳолда адо қилишлик каби бошқа ҳолат билан енгиллатилади» (Қаранг: «Тафсир ас-Саъдий» 198).

Аллоҳ Пайғамбаримиз Муҳаммадга, Унинг оиласи ва саҳобаларига салавоту саломлар йўлласин.

Манба: [Тавҳид форуми](#)